# ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

# РЕЖА

1. • .Экологик экспертиза умумий принциплари.
2. • Экологик экспертиза илмий принциплари.
3. • Экологик экспертиза ҳуқуқий принциплари.

Табиий объектларга нисбатан мулк хуқуқи — табиий ресурслар, табиий комплекслар ёки табиий худудларни кимга тегишлилиги ва мулкдорнинг унга нисбатан қандай ваколат (хуқук)га эга эканлиги.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни мухофаза қилиш тўгрисидаги қонуннинг 2-моддасига кўра мамлакатимизда Экология хукукининг объектига кириб табиий ресурслар — ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва х,айвонот дунёси каби табиат унсурлари хамда уларнинг комплекслари — қўрикхона, буюртма ёдгорлик, ботаника ва қўриқхона (заказник), миллий табиий боғ, тарихий-табиий хайвонот боғлари, дендрологик боғлар, курорт худудлари каби мажмуалар олинади

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига биноан хамма табиий захиралар умуммиллий бойлик ҳисобланади. Умуммиллий бойлик ибораси «Мулкчилик» ва «Табиатни муҳофаза килиш тўғрисида»ги қонунларда хам ўз ифодасини топган.

Экология хукукининг объектларига нисбатан мулк хуқуқининг юзага келишида табиат конунларини ва жамият манфаатларининг ўзига хос томонларини инобатга олмасдан иложи йўқ.

Ушбу ўзига хослик қуйидагиларни ўз ичига олади:

- *табиий унсурларнинг моддийлигида,*
- *ажралмаслигида*
- *қийматининг йўқлигида*

- Экологик экспертиза принциплари экологик экспертиза фаолияти тажрабаларини ўрганиш ва умумлаштириш, улардан фойдаланиш асосида шаклланади ва ривожланиб боради. Принциплар табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсирини оптималлаштириш эхтиёжларига максимал даражада мос келиши керак.

Экологик экспертиза принципларига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

1

- 1) Объектив ўзаро боғланган. Экологик экспертиза принциплари табиатга, тарих ва жамиятга, мамлакатга мос келгандагина уларни ҳисоблаш мумкин;

2

- 2) Тарихан шартланганлик. Давлат сиёсати ва давлат тузуми ўзгариши билан экологик экспертиза принциплари ҳам ўзгаради. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши муносабати билан шундай ўзгаришлар содир бўлди;

3

- 3) Тизимлилик. Экологик экспертизанинг барча принципларини ўзаро боғлиқ классификациялаш мумкин (умумий, илмий, хусусий (компонентлар бўйитча), юридик ва бошқалар).

Хозирги замон экологик эксспертизаси принципларининг қуйидаги учта йўналишини ажратиш мумкин:

1. умумий принциплар;
2. конкрет илмий принциплар;
3. юридик (ҳуқуқий) принциплар.

Муайян давлатнинг мулк объекти бўлиш имкониятини бермайдиган ва халкаро хуқуқ меъёрлари билан экологик жихатдан муҳофазаси ва окилона фойдаланиши таъминланадиган унсурлар қуйидагилардир:

1

- ўзга давлатлардан бошланиб, бошқа давлатларга оқиб ўтадиган дарёлар (Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва шу кабилар);

2

- икки давлат ўртасидаги кўллар (Орол денгизи);

3

- иқлим ресурслари ва космик объектлар (булут, куёш);

4

- кўчиб юрувчи ва учиб юрувчи хайвонлар (қалдиргоч, турна, лайлак) ва хоказо

# Экологик экспертиза принциплари йўналишлари

## Умумий принциплар

- Табиатнинг бирламчилиги
- Табиийлик
- Сохта муаффақият
- Табиатни қайта ўзгартириш
- Ишлаб чиқишни экологиялаш
- Табиий ресурсларни ижтимой фойдалилигини ошириш
- Табиий ресурсларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш

## Илмий принциплар

- Хулосаларни илмий асосланиши
- Давлат экологик экспертизасини мажбурийлиги
- АТМТ баҳолашнинг комплекскиги
- Ўзгаришларни башорат қилиш
- Ахборотнинг ишончлилиги
- Экспертларнинг мустақилилиги
- Жамоатчилик фикрини хисобга олиш

## Хуқуқий принциплар

- Қонунийлик
- Холислик
- Асослик
- Экологик хафсизликни хисобга олишни мажбурийлиги
- Эхтимол тутилаётган крезумсияси
- Фуқаролар соғлигига таьсирини бахолашнинг комплекскиги